

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI



"INNOVATION TA'LIM" KAFEDRASI

"RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA OLIY TA'LIMNING TRANSFORMATSIYASI"

RESPUBLIKA ILMY-AMALIY ANJUMANINING
ILMIY MAQOLALAR VA
MA'RUZA TEZISLARI TO'PLAMI

2022 yil 18 noyabr



"RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA
OLIY TA'LIMNING TRANSFORMATSIYASI"

ANJUMANINING ILMY MAQOLALAR VA
MA'RUZA TEZISLARI TO'PLAMI

2022 yil
18 noyabr



IMZO PRINT
MEDIA GROUP

YALPI MAJLIS

<i>Шарипов К.А.</i>	Таълимни трансформация жараёнларида инновацион таълим ва рақамли технологияларнинг қўлланилиши	8
<i>Эшов М. П.</i>	Таълимнинг кредит-модуль тизимини ахборот тизимлари орқали самарали йўлга қўйишнинг инновацион механизмлари	12
<i>Абдурахмонова Г.К.</i>	Iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasi sharoitida oliv ta'limni takomillashtirish asosiy yo'nalishlari	15
<i>Юлдашев М.А.</i>	Университетни рақамли трансформацияси тараққиётининг устувор йўналиши сифатида	18
<i>Жумаев Н.Х.</i>	Олий таълим тизимида замонавий тенденциялар	21
<i>Отажонов Ш. И.</i>	Таълим тизимида “STEM” (Science, Technology, Engineering, Mathematics – математика) дастурини яқин истиқболда босқичма-босқич жорий этиш асосида “НЕСИ” (Humanity, Ethics, Creativity, Imagination) глобал мақсадига (чақириғига) мувофиқ келгуси ўн йиллик учун янги давлат талаблари ва таълим стандартларининг намунавий моделларини ишлаб чиқиш истиқболлари	24
<i>Сайдалиев Х.О.</i>	Impact of collaborative, entrepreneurship education on the financial risk taken by university students	30
<i>Абдуллаев А. И.</i>	Электрон таълим мухитида аралаш ўқитишини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш	32
<i>Кадиров Х. Ш.</i>	Таълим мухитини рақамлаштириш шароитида педагог кадрларнинг компетенцияларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар	36
<i>Маматов Д. Н.</i>	Электрон таълим мухитида аралаш ўқитишини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш	40
<i>Хакимова М. Ф.</i>	Рақамли таълим шароитида аралаш ўқитишининг самарадорлигини ошириш	44
<i>Кушарбаев Дж.У.</i>	Замонавий таълим жараёнларига рақамли технологиялар интеграциясини таъминлаш истиқболлари	48

1-SHU'BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA OLİY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING USTUVOR YO'NALISHLARI

<i>Kholikov A. U., Ismoilova S.Kh., Mirzaliev S.M.</i>	Developing HEI Students' Autonomy in Language Learning Classes through Online Education	51
<i>Карлибаева Р. Х.</i>	Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор вазифалари	54
<i>Шоюсупова Н. Т. Асқарова М. Т.</i>	Кредит-модул тизимида талабаларнинг мустақил ва ижодий изланиш фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	57
<i>Muxammadiyev G.'B.</i>	Raqamli iqtisodiyotda sun'iy intellektning o'rni va inson omiliga ta'siri: ijobiy va salbiy oqibatlari	60
<i>Химматалиев Д. О., Киличова М. С.</i>	Инновацион педагогик таълим кластерининг ўзига хос хусусиятлари	63
<i>Файзуллаева Н.С.</i>	Цифровая трансформация дидактики высшей школы	67

<i>Lutfullayeva N.X., Mirzaaxmedova N.A.</i>	Raqamli iqtisodiyot transformatsiyasi sharoitida o‘quv jarayonini raqamlashtirishning roli	71
<i>Хабибов Р.И.</i>	Божхона фаолиятида рақамлаштириш ислоҳотларининг айрим жиҳатлари	75
<i>Мусаханова Г. М.</i>	Глобаллашув жараёнида таълим тизимини рақамлаштириш ва уни ривожлантириш.....	83
<i>Асқарова М. И.</i>	Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнида ёшлар меҳнат бозоридаги тенденциялар	87
<i>Миралиева Д. Т.</i>	Транформация образования как важнейший фактор развития экономического общества Узбекистана	90
<i>Улугбердиев Н.Р.</i>	Рақамли иқтисодиёт шароитида корхонада инқирозга қариш бошқариш стратегияларини ишлаб чиқиш механизмлари.....	95
<i>Хакимова Х. Х.</i>	Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш.....	99
<i>Саттаров Т.С.</i>	Рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим трансформациясининг устувор йўналишлари	101
<i>Салихов С.А.</i>	Цифровизация образования в Республике Узбекистан: текущие реформы и разработка политики	105
<i>Собирова Д.А.</i>	Олий таълим тизимида очик онлайн курсларининг ўрни	110
<i>Aliev A. I.</i>	Digital transformation and digital marketing in higter education with purpose of learning and implementation of digital technologies in garment enterprises	115
<i>Sulaymonova G.X.</i>	Raqamli iqtisodiyot sharoitida electron pedagogika konsepsiyasining rivojlanish jarayoni.....	118

**2-SHU’BA. MODUL-KREDIT O‘QITISH JARAYONIDA
TALABALARING MUSTAQIL ISHLARNI TASHKIL ETISH VA UNING
ILMIY-METODIK TA’MINOTINI TAKOMILLASHTIRISH**

<i>Мамажанов И.Г.</i>	Кредит-модул тизими жараёнида талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш.....	121
<i>Ximmataliyev D.O, Allayorova S. B.</i>	Ta’lim tizimida integratsiya pedagogic innovatsion klasteri	125
<i>Лутфуллаева Н.Х. Нурмухаммадова Д.</i>	Модул-кредит тизимида талабаларнинг билиш жараёнларини ифодаланиши	127
<i>Uzoqova G.S.</i>	Kredit modulli ta’lim tizimida talabalar mustaqil ishlarining o‘rnni	131
<i>Мамаражабов Ш. Э.</i>	Ўқитувчининг касбий сифатлари ва уларни шакллантириш имкониятлари	133
<i>Расулов А. Н.</i>	Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишида педагогик шароитларини афзалликлари.....	135
<i>Dushanova Yu. F.</i>	Theoretical basis of organization of independent educational process in the credit-module system.....	139
<i>Насиба Х.Э.</i>	Инновацион кластернинг тузилиши ва функцияси	141
<i>Акбарова С. Ш.</i>	Таълимнинг кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.....	145
<i>Rajabov S. X.</i>	Modul-kredit tizimida tahsil olayotgan talabalarning mustaqil ishlarini bilan iashlash.....	148

**3-SHU’BA. OLIY TA’LIMNI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA
PEDAGOGNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI
RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY MEXANIZMLARI**

<i>Файзуллаева Н. С., Елиубаева Б.</i>	Реформы в системе профессионального образования	151
--	---	-----

Мусаханова Гулнора Мавляновна
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори, (PhD), ТДИУ

Глобаллашув жараёнида таълим тизимини рақамлаштириш ва уни ривожлантириш

Аннотация: Уибу мақолада муаллиф томонидан бугунги кунда рақамли иқтисодиётни таълим тизимига тадбиқ этиши йўллари борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ишлар, рақамлаштириши имкониятларидан самарали фойдаланиши йўллари хақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: таълим, рақамлаштириши, онлайн таълим, баркамол авлод, масоғавий таълим, олий таълим, муаммолар, хорижий тажрибалар.

Ривожланиб бораётган глобаллашув даврида мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида катта ишлар олиб борилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. Янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2022 йилга "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳам инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси эканлиги ҳаммамизга сир эмас.

Барчамизга маълумки, юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш босқичма–босқич амалга оширилмоқда. «Электрон ҳукумат» тизими танқидий қайта кўриб чиқилди. Пойтахт мисолидаги «IT-парк»лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистан ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6079-сонли Фармони қабул қилиниши ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширишга эътибор қаратилаётган амалий ишлар самараси сифатида қараш мумкин.

“Ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари ва рақамли технологияларни ўқитиш марказлари негизида давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъул раҳбарларини ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш” масалаларига эътибор қаратилаётгани ҳам юқоридаги фикрларимиз тасдиғидир [2].

Ўзбекистон келажаги – ўзини Ватан равнақи, халқимиз баҳт-саодатига баҳшида этган, ҳар томонлама соғлом ёш авлод қўлидадир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшлар тарбияси устувор вазифа қилиб белгилаб келинмоқда. Ёш авлод кучли ва буюк давлатнинг муносиб вакиллари бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитлар амалга оширилмоқда. Ватанимизнинг келажаги,

халқимизнинг эртанги куни, мамлактимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обў-эътибори, авваламбор биз ёш авлоднинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришимизга боғлиқдир. Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек: "Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ хис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундан турсин. Бунга ниманинг хисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия хисобидан" [3].

Ёшларга барча имкониятлар мавжуд юртда яшар эканмиз, биз ёшлар шу шароитлардан унумли, тўлақонли фойдаланишимиз зарур. Мустақиллик Республикага ўз халқининг фаровонлигини яхшилашдек ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш, вужудга келтирилган имкониятлар ва ресурсларни тўлалигича мустақил равишда режалаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда ўз халқининг фаровонлиги йўлида ва ўзаро фойдали негизида бошқа республикалар ва хорижий мамлакатлар билан ўз муносабатларини мустақил ўрнатиш имконини берди. Шундай экан, иқтисодиётимиз юксалиши учун кейинги йилларда юртимизда яратилаётган имкониятлар бунинг яққол далилидир. Ҳозирги ривожланиш, инновацион технологиялар, рақамли техно-логиялар асрида яшамоқдамиз. Ҳозирги кунда инсонлар электрон технологиялариз ҳаётини тасаввур этиши мушкул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инноватция билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларни тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юритигача-таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўгри йўлдан адашиш бўлади". Шарқ донишмандлари айтганидек: "Энг катта бойлик бу – ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу – билимсизликдир!". Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланishi керак», -деб таъкидланди [4].

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чукур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобат-бардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон ҳам шиддат билан рақамли иқтисодиётга ўтиб бормоқда. Сўнгти вактларда "Рақамли иқтисодиёт" тушунчаси жуда кўп марта

қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, кўплаб ривожланган мамлактларда рақамли иқтисод, уларнинг ривожланиши омилларига сезиларли даражада таъсир ўтказганлиги барчамизга сир эмас.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлаш компетенцияларига эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, компьютер ва IT технологиялари соҳасида билим ва компетенцияларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони асосида “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганлиги айни мазкур муаммоларни бартараф этишга қаратилганлигини эътироф этиш мумкин.

Мазкур фармонда “Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш. Рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўлларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш.

Иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгacha ошириш. Дастурий маҳсулотлар индустряси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш” [1] масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимиdir. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки вебиктисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу иқтисодиётни бутун дунёдаги сиёsatчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжоҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта эълон қилди. Рақамли иқтисодиёт билан оддий иқтисодиётнинг фарқини кўриб чиқамиз. Масалан, сизга янги русумдаги компьютер керак. Уни бозор ёки магазинга тушиб ўзингиз бевосита танлаб ва нақд пулга сотиб олсангиз, бу анъанавий иқтисод. Интернет магазинлар, ижтимоий тармоқлар орқали ўзингизга маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаб ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олсангиз бу рақамли иқтисодиёт дейилади.

Бугунги кунда ҳаммамиз рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг имкониятларидан, шароитларидан ва қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, онлайн таълимни ривожланиши, онлайн савдони барча турларини тезкорлик билан ривожланиши, масофадан барча ходимларни иш юритиш кўникмаларини шаклланганлиги, ойликларимиз пластик карталарга тушиши, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва

хизматларга тўлов қилишимиз, электрон тарзда солиқ декларатсиясини топширишимиз, картадан картага пул узатишими, уйга таом буюртма қилишимиз, ҳаттоқи, транспорт воситаларидан энг қулайи метро хизматидан фойдаланганимизда ҳам жетонлардан воз кечиб ID карталардан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Рақамли аҳборот бозори асосий хусусиятларидан бири – қарор қабул қилишдаги тезкорлик ва осонликдир. Салмоқли ишлаб чиқариш базаси бу ерда охирги ўринда туради. Абадий бўлиб кўринган ва тармоқ бозорларида жуда катта улушларга эга бўлган улкан корпорациялар саноқли йиллар ичida умуман тарихга эга бўлмаган компанияларга ўрнини бўшатиб берди. Шундай қилиб, «рақам» модаси ўтиб кетишини пойлаб ўтириш мумкин эмас. Бу эволюциянинг табиий ва шафқатсиз босқичи бўлиб, унда ўтган аср қоидалари ва қўламлари билан яшаётганлар қолиб кетади.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисод ривожланган давлатлар сирасига: АҚШ, Хитой, Норвегия, Швеция, Швейцария, Жанубий Корея, Буюк Британия, Сингапур давлатлари киради. Дунё мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланмоқда. Кундалик ҳаётимизга аҳборот технологияларни тадбиқ қилиниши ортидан оддий инсонлар учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда. Лекин дунёдаги энг кучли ва ўта ривожланган иккита иқтисодиёт сифатида АҚШ ва Хитой пешқадам бўлиб турмоқда. Агар АҚШ нинг ҳозирги давргача ривожланиш босқичини таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни ташкил қилиш жараёнини бешта асосий қисмга ажратиш мумкинлиги маълум бўлади:

- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун керакли бўлган барча шарт-шароитларини яратиш;
- рақамли иқтисодиёт платформаларнинг ўзаро рақобат кураши ва уларнинг аста- секинлик билан интеграциялашуви амалга ошиши;
- рақамли иқтисодиётга айлантиришга тайёр бўлган иқтисодиёт субъектларида рақамли иқтисодиёт платформаларининг вужудга келиши ва уларни глобал миқёсда ишга тушиши;
- рақамли иқтисодиёт соҳасидаги энг актуал ва креатив ечимларни бутун иқтисодиётга жорий қилиш;
- маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳборот хавфсизлигини таъминлаш ва улардан самари фойдаланишни жорий қилиш.

Юқоридаги фикрларга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дунёда ривожланган мамлакатлар ҳам ривожланишда босқичма-босқич қадам қўйиб шундайин улкан натижаларга эришган. Инновацион технологияларни бизнес, илм-фан ва таълим соҳасида ўринли ва муваффақиятли қўлланилса, ривожланиб келайётган ёш авлод ана шу жаҳон тажрибаси асосида униб-ўсиб, илм-зиё ўчоқларидан сабоқ олиб, камол топса, мамлакатимизнинг эртанги истиқболи, келажаги буюк бўлишига шак-шубҳа қолмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1].Шавкат Мирзиёев. “2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/>
- [2]. Шавкат Мирзиёев. “Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли Фармони. <https://lex.uz/>
- [3]. Шавкат Мирзиёев. Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 78 сонли умумтаълим мактабига ташриф жараёнидаги фикрлари. <http://www.lex.uz>.
- [4].Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 - январь.2020. <http://www.lex.uz>.
- [5]. Musakhanova G. Design and research method as an innovative approach aimed at the development of organizational abilities of students in the process of independent work //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2021. – Т. 2. – №. 09. – С. 110-115.
- [6]. Musakhanova G. (2020). Independent work of students - as a condition for the development of professional self-development. Archive of Scientific Research, 1 (22). retrieved from <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2614>.
- [7]. Мусаханова Гулнора Мавляновна. (2022). “Кейс-стади” технологияси талабаларнинг мустақил таълим жараёнида ташкилотчилик қобилиятини ривожлантирувчи инновацион метод сифатида. Архив научных исследований, 2(1).
- [8]. Мусаханова Г. М. Талабаларнинг мустақил таълим жараёнидаги ташкилотчилик қобилиятиларини ривожлантиришнинг амалиётдаги аҳволи.« //Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журнали. – 2021. – С. 275-28

*Асқарова Муҳаббат Ибрахимовна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришининг илмий асослари ва
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
«Демография ва меҳнат бозори» сектори
илмий ходими*

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнида ёшлар меҳнат бозоридаги тенденциялар

Бутун дунёни қамраб олаётган глобал ахборот-коммуникация тармоқларига асосланган ягона иқтисодий механизмга айланиб бораётган рақамли иқтисодиёт ёшлар бандлигига сезиларли таъсир этмоқда. Тўртинчи саноат инқилобининг натижаси бўлган рақамли иқтисодиёт миллий рақобатбардошлик ва хавфсизликни таъминлайди, инсон капиталини ривожлантириш учун ноёб